

# Исломда ўлим ва жаноза намози масалалари

Муаллиф

САЛОҲИДДИН МУҲИДДИН

“Шариат аҳкомлари” туркумидан чоп этилаётган биринчи китоб ўлим ва жаноза масалаларига бағишланди. Таниқли олим Салоҳиддин Муҳиддин қаламига мансуб ушбу рисола хасталик моҳияти, касалларни зиёрат қилиш одоби, ўлимнинг ҳақиқати, маййитга кўрсатиладиган ҳурмат ва уни ювиш, кафанлаш, қабрга қўйиш каби амаллардан таълим беради.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муқаддима

Дунёга келган ҳар бир инсоннинг дунёдан кетиши ҳам бор. Бу илоҳий ҳукм барчага баробар. Ҳеч ким бундан истисно қилинмаган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор ҳам эта олмайди ёки аксини исботлай ҳам олмайди.

Ислом таълимотида ўлим йўқлик эмас, балки дунё ҳаётидан охират ҳаётига ўтиш кўпригидир. Ўлим абадий йўқликка кетиш эмас, балки ўткинчи бир дунёдан ҳеч тугамайдиган абадий иккинчи ҳаёт дунёсига кўчишдир. Ўлим фақат, инсон баданидан руҳининг (жонининг) ажраб чиқишигинадир. Киши руҳи эса, инсон баданига ҳўл новдага намлик киришганидек киришиб кетган, ниҳоятда мулойим жисмдир. Аҳли суннат эътиқодига кўра, жон йўқ бўлмайди, балки чиқади. Аммо киши дафн қилингандан сўнг руҳ яна жасадига қайтарилади. Қабрда бўладиган савол-жавоб ва роҳат ёки азобда бадан билан бирга иштирок этади. Руҳнинг тўла ҳақиқатини фақат Аллоҳгина билгувчидир.

Ҳаёт инсонга берилган улуғ неъматдир. Унинг қадри-қийматини бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Аммо ҳаётнинг ҳақиқий қадрини топиш учун бу бебаҳо неъмат ўзига вақтинча берилганини ҳис этиб, инсон умрини имонли, эътиқодли бўлган ҳолда, Аллоҳ буюрган ибодатларини тўқис бажариб, савобли, яхши ишларни кўпроқ қилиб ўтказиши керак. Зеро, ҳаётдаги барча ишлардан у бир кун келиб масъул бўлади.

Мана шу каби ҳолатларни ватандошларимизга, айниқса, ёшларимизга эслатиш мақсадида ушбу китобни ёзишга Аллоҳдан мадад сўраб киришдик. Бунда инсон вафоти олдидан ва вафотидан сўнг қилинадиган ишлар шариатимиз кўрсатмасига мувофиқ (Ҳанафий мазҳабига биноан) қандай бўлишини тартиб ила баён қилишга уриндик.

Китобни ёзишда Бурҳониддин Марғилонийнинг “Ҳидояҳ” китобидан, Али Қорининг “Мухтасар”га қилган шарҳларидан ҳамда доктор Ваҳбат аз-Зухайлийнинг “Ислом фикҳи ва унинг далиллари” номли асаридан фойдаландик. Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин. Саҳву хатоларимизни кечириб, тавфиқидан баҳраманд этсин. Омин.

**Муаллиф**

## Ўлимга муносабат

Мадомики, ўлим ҳақ, инсон бошига келиши муқаррар экан, одам боласи уни доимо эслаб туриши, ҳаёти давомида унга тайёргарлик кўриб бориши лозим. Зеро, Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) дан Имоми Термизий ривоят қилган бир ҳадисда:

أَكثَرُوا مِنْ ذِكْرِ هَازِمِ الذَّاتِ

яъни, “Лаззатларни кесувчини (ўлимни) кўпроқ эслаб туринглар”, дея марҳамат қилинган.

Уни эслаб туриш инсоннинг гуноҳлардан тийилиб, савобли, яхши ишларни қилишига сабаб бўлади.

Аллоҳ Таоло Қуръони Каримнинг Каҳф сураси 110-оятида:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ اللَّهُ وَاحِدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ

فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴿١١٠﴾

дейди. Яъни: “Кимда-ким Ўз Раббига йўлиқишни (Ундан раҳмат ва мағфиратни) умид этса, у яхши амал қилсин. (Шариат яхши деб ҳисоблаган ва унга савоб берилади деган ҳар бир иш яхши амал ҳисобланади.) Ва у инсон ўз Раббига ибодат қилганда (итоат қилганда) Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмасин”.

## Беморни зиёрат қилиш одоби

Буюк ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ўлимни турли сабаблар билан юборади. Кимдир хилма-хил фалокатлардан бирига йўлиқиб, кимдир соппа-соғ юриб туриб ҳам, яна кимдир эса, бирон бир хасталик орқасидан вафот этади.

Инсон кўпинча учрайдиган сабаб касалликдир. Касаллик киши ҳолини маҳзун, аъзоларини эса заиф қилиб қўяди. Бундай вазиятда инсон боласи меҳр-мурувватга ҳар қачонгидан ҳам муҳтож бўлади. Динимиз бундай бетобларнинг ҳолидан хабар олиб туришга, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳамда бир оз бўлса-да, дардларини енгиллатишга, мабодо улар вафот этсалар жанозаларида иштирок этишга буюради.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда саҳобаи киромлардан Барро ибн Озиб бундай деган:

أَمَرْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ وَ عِيَادَةِ الْمَرِيضِ

Яъни: “Расулulloҳ (с.а.в.) бизни жанозада иштирок этишга ва касални бориб кўришга буюрардилар”.

Беморни зиёрат этишнинг ҳам ўзига яраша одоблар, йўл-йўриқлари бор. Беморни кўргани келган киши, аввало, бемор ҳаққига дуо қилиши, унинг кўнглини ширин гап-сўзлар ила кўтариши, яъни: рангингиз чиройли бўлиб қолибди, Худо хоҳласа яхши бўлиб кетасиз, бетоблик гуноҳларингизнинг кечирилишига сабаб бўлади, иншааллоҳ... каби ёқимли илтифотлар кўрсатиши керак. Булар суннат ҳисобланади. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.) бир беморни кўргани кириб, қуйидагича марҳамат қилганлар:

## لا بأس ظهور إنشاء الله

Яъни: “Хафа бўлманг, касалингиз иншааллоҳ, гуноҳларингизни ювгувчидир”.

Лекин беморнинг олдида узоқ ўтириб қолмаслик керак. Шунингдек, бемор киши ким ва қайси динга мансуб бўлишидан қатъи назар, ўртада бирон бир алоқа бўлса, хусусан у қўшни бўлса, бориб кўриш Исломи одобларидандир. Бундай гўзал ахлоқнинг заминидан одобдан ташқари мусулмон бўлмаган кишининг Исломига кириб қолишидан умид ҳам ётади. Бунга далил Имом Бухорий Анас (р.а.) дан ривоят қилган қуйидаги ҳадисдир:

كان غلام يهودي يخدم النبي صلى الله عليه وسلم فمرض فأتاه النبي عليه السلام يعوده فقعد عند رأسه فقال له اسلم فنظر إلى أبيه وهو عنده فقال له اطع ابا القاسم فاسلم فخرج النبي صلى الله عليه وسلم وهو يقول الحمد لله الذي انقذه من النار

Яъни: “Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) га бир яҳудий бола хизмат қилиб юрарди. Бола бетоб бўлиб қолди. Набий (с.а.в.) уни кўргани келиб, унинг бош томонида ўтирдилар. Шунда унга: “Мусулмон бўлгин” дедилар. Бола шу ерда турган отасига қаради. Отаси унга: “Абул Қосимнинг айтганини қил” деди. (“Абул Қосим” Жанобимизнинг кунялари. Қосим исмли фарзандлари бўлгани учун баъзан “Қосимнинг отаси” деб ҳам аташарди. – Мух.) Шунда бола Исломи қабул қилди. Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.): “Уни дўзах азобидан қутқарган Аллоҳга мақтовлар бўлсин”, деган ҳолларида у ердан чиқдилар”.

## Бемор ўзини қандай тутиши керак?

Мўмин, аввало, соғлиқ-саломатлик ҳам, хасталик ҳам Аллоҳдан эканини яхши билади, шунинг учун дардни сабр ила қаршилайди. Беҳуда дод-вой қилмайди, касаллигини кетказиш учун зарур барча дунёвий чора-тадбирларни қўллайди ва Аллоҳдан ўзига шифо тилайди. Лекин жисмига етаётган оғриқ қанчалик кучли бўлмасин, ўзига ўлим сўрамайди, чунки бу дуруст эмас.

Ўзига ўлим тилаш динимизга кўра макруҳ саналади. “Саҳиҳул Бухорий” ва “Саҳиҳул Муслим” китобларида келган муборак ҳадисларида Расулulloҳ (с.а.в.) дейдилар:

لا يتمنين احدكم الموت لضر أصابه فإن كان لا بد فاعلا فليقل: "اللهم احيني ما كانت الحياة خيرا لي وتوفني ما كانت الوفاة خيرا لي"

Яъни: “Ҳеч бирингиз етган мусибат зараридан ўзига ўлим тиламасин. Агар шундай дейиш зарур бўлиб қолса: “Эй бор Худоё, ҳаёт мен учун фойдали бўлса, мени яшатгин ва агар ўлим мен учун яхши бўлса, мени вафот эттир”, десин”.

Аммо динига зарар етиш ёки тўғри йўлдан адашиш хавфи туғилса, у ҳолда ўзига ўлим сўраш макруҳ эмас. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.):

و إذا اردت بعبادك فتنة فاقبضني إليك غير مفتون

Яъни, “Эй бор Худоё, агар бандаларингнинг тўғри йўлдан озишига ироданг кетган бўлса, фитнага йўлиқмасдан олдин жонимни олгин”, дея Раббиларига илтижо қилганлар.

## Бетоб кишиларнинг даволаниши

Биз юқоридаги бобда киши касаллигини кетказиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриши лозимлигини айтдик. Чунки Ислому уламолари бемор кишининг даволаниши жоиз деб иттифоқ қилишган. Имоми Термизий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деганлар:

**إن الله لم يضع داء إلا وضع له دواء غير المحرم**

Яъни: “Ҳеч бир дард йўқки, Аллоҳ Таоло унга даво яратмаган бўлса. Лекин ҳаром нарса даво эмасдир.”

Ҳадис китобларида даволанишга тарғиб қилувчи яна бир қанча ҳадислар ривоят қилинган. Шу боис уламолар даволаниш суннатдир, деганлар. Яна Жаноби Пайғамбаримиздан (с.а.в.):

**تداووا فإن لكل داء دواء إلا الهرم والموت**

яъни, “Даволанишлар, зеро ўлим ва қарилликдан бошқа барча дардларга даво бордир”, ҳадиси ворид бўлган. Шунингдек, Расулulloҳ (с.а.в.) нинг ўзлари ҳам даволанганликлари ҳадис китобларида ривоят қилинган.

Лекин кишининг хасталиги оғир бўлиб, дори-дармонлар фойда бермаса, сабр қилиб, шифосини Аллоҳдан сўраб, даволанишини давом эттириши маъқулдир. Чунки Жобир (р.а.) Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) дан ривоят қилган ҳадисда ул Жаноб:

**لكل داء دواء فإذا أصيب دواء الداء برئ بإذن الله تعالى**

Яъни, “Барча дарднинг давоси бордир. Агар даво дардга теккизилса, Аллоҳ изни ила шифо топур”, деганлар. (Имом Аҳмад ва Имом Муслимлар ривояти.)

## **Ўлим яқинлашганда**

Мўъмин киши ҳаётда Аллоҳга нисбатан яхши гумонда бўлиши керак. Яъни, “Аллоҳ кечирувчи, Аллоҳ ўта меҳрибон Зот. Гуноҳларимни мағфират қилар”, деб ўйламоғи лозим. Айниқса, ўлим тўшагида ётганида умиди хавфидан устун бўлмоғи даркор. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.) Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда шундай деганлар:

**لا يموتن أحدكم إلا وهو يحسن الظن بالله تعالى**

Яъни: “Ҳар бирингиз вафот этаётганда Аллоҳга нисбатан яхши гумон қилган ҳолда вафот этсин”.

Абу Хурайрадан Имом Муслим ривоят қилган бир ҳадиси қудсийда Аллоҳ Таоло:

**أنا عند ظن عبدي بي**

Яъни, “Бандам мени қандай деб гумон қилса шундай топади”, деган.

## **Қабул бўладиган тавба ва имон**

Уламолар, Аллоҳнинг раҳматидан умидини узган кишининг имони қабул эмас, деб иттифоқ қилишган. Зеро, Аллоҳ Таоло Ғофир сурасининг 85-оятда:

فَلَمْ يَكُ يَنْفَعُهُمْ إِيمَانُهُمْ لَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا ... ﴿٢٦﴾

Яъни, “Бизнинг азобимизни кўриб, ўлими аниқ эканини билгандан сўнг келтирган имонлпри уларга фойда бермайди”, деган.

Худди Ҳазрати Мусо (а.с.) даврларидаги Фиръавн азобни ўз кўзи ила кўриб, ўлиши аниқ бўлганида, Мусо ва Ҳоруннинг Худоларига имон келтирдим, дегандаги имони қабул бўлмаганидек.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш жоизки, Ашъарий<sup>1</sup> уламолари умидсиз тавбани ҳам қабул эмас, дейишган. Яъни, барибир тавбамни Аллоҳ қабул қилмайди, деб қилинган тавба ҳам умидсиз имон каби қабул этилмайди, дейишган. Аммо Ҳанафий уламолари умидсиз тавба мақбул, лекин умидсиз имон мақбул эмас, деб айтишган. Чунки кофир инсон Аллоҳнинг қандай эканлигини яхши билмайди. Бунга далил Расулulloҳ (с.а.в.) нинг сўзларидир. У зот:

إن الله يقبل توبة العبد ما لم يغرغر (رواه ابو داود واحمد والترمذی)

Яъни, “Аллоҳ Таоло фарғара бўлмасдан олдин тавба қилган банданинг тавбасини қабул этади”, деганлар.

Фарғара жон халқумга келган ҳолдир. У вақтда ҳатто гапириш мумкин бўлмай қолади. Аллоҳ барчамизнинг сўнги нафасимизни имонимиз ила чиқарсин. Омин.

## Ўлими яқинлашган кишига нималар қилинади?

Ўлими яқинлашган кишининг аломати (ҳолатул ихтизор белгиси) шуки, икки оёғи заифлашиб бўшашади, бурни бир оз қийшаяди, юзининг териси чўзилиб икки чаккаси пасаяди.

Беморда ушбу аломат пайдо бўлса, қуйидаги ишларни қилиш лозим:

Суннатга мувофиқ уни ўнг томони ила қиблага қаратиб ётқизиш керак. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.) Байтуллоҳ тўғрисида:

قبلتكم أحياء و أمواتا (رواه أبو داود)

Яъни: “Байтуллоҳ) тирик ва ўлим ҳолатдаги қиблангиздир”, деганлар.

Агар бирор узр туфайли ёки имкониятсизлиги сабабли хастани ўнг томони ила қиблага юзлантиришнинг иложи бўлмаса, у ҳолда чалқанча (осмонга қаратиб) ётқизиб, икки оёғини қибла томонга йўналтириб қўйилади. Чунки бундай ҳолатда жон бериш осонроқ кечади. Агар бунинг ҳам иложи бўлмаса, ўз ҳолича тек қўйилади. Жон таслим қилаётган кишининг оғзига совуқ сув томизилади ёки пахтани намлаб, лаби хўллаб турилади.

Ихтизор ҳолатидаги кишининг яқинида бўлган одам калимаи шаҳодатни айтиб туради:

أشهد أن لا إله إلا الله و أشهد أن محمدا عبده و رسوله

Ёки калимаи тоййибани айтиб туради:

<sup>1</sup> Абул Ҳасан Ашъарий 266 ҳижрийда туғилиб, 330 йилда вафот этган. Мўътазила мазҳабидан қайтиб, ўзи алоҳида мазҳаб тузган.

## لا إله إلا الله محمد رسول الله

Лекин ихтизор ҳолатидаги кишига ушбу калималарни айтгин, деб буюрилмайди ва қисталмайди. Бир бор айтса кифоя, иккинчи қайтариш таклиф қилинмайди. Аммо калимани айтгандан сўнг, бошқа сўз сўзлаб қолса, унда яна калимани такрорлашга таклиф қилинса бўлади. Чунки Пайғамбаримиз (а.с.):

### من كان اخر كلامه لا إله إلا الله دخل الجنة

Яъни: “Кимнинг охириги сўзи “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Росулulloҳ” бўлса у жаннатга киради”, деганлар.

Ҳанафий уламолари, маййит қабрга дафн қилинганидан сўнг калима айтилмайди, дейишади.

Жумҳур уламоларнинг айтишларича, ихтизор ҳолатидаги киши ҳузурида Ёсин сурасини ўқиш мустаҳабдир.

Кейинги уламолар Қуръонни тиловат қилиб, зикр айтиб, савобини маййитга бағишласа тегади, иншааллоҳ, дейишган. Бизнинг Ҳанафий мазҳабимизга кўра маййитнинг ҳузурида уни ювмасдан олдин тиловат қилиш макруҳ ҳисобланади.

Киши вафот этгач, унга энг яқин ва меҳрибон бўлган киши мулойимлик ила маййитнинг икки кўзини секин юмдириб қўяди. Бир латта ила ияги остидан бошлаб бошининг тепа томонига қараб тортиб оҳиста боғлайди. Боғлаган киши аввал: *بِسْمِ اللَّهِ وَ عَلَى مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ* (Бисмиллаҳи ва ʼала миллати Росулиллаҳи) дейди, сўнггра: “Эй Аллоҳ! Унинг ишини осон, Сенга йўлиқишини бахтли этгин”, деб дуо қилади.

Кишининг вафот этгани аниқ билинганидан сўнг одамларга хабар етказиб, жанозага таклиф қилиш ҳам шаръан дурустдир. Хусусан, вафот этган киши солиҳлардан бўлса. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.) Жаъфар ибн Абу Толиб, Зайд ибн Ҳориса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа жанозаларини эълон қилган эканлар.

## Маййитни дафнга тайёрлаш

Кишининг вафот этгани аниқ бўлгандан сўнг, маййитнинг маййит эгалари устида тўртта ҳаққи қолади. Бу ҳақлар фарзи кифоядир. Яъни бу ҳақларини қариндошларидан бири ижро

этса, кифоя. Бу ҳақларни адо этишда иштирок эта олмаган мусулмонлардан масъулият кўтарилади. Аммо уларни ҳеч ким бажармаса, барча гуноҳкор бўлади. У тўрт ҳақ қуйидагилардир:

1. Маййитни ювиш.
2. Уни кафанлаш.
3. Жаноза ўқиш.
4. Дафн қилиш.

## **1. Маййитни ювиш.**

### **Ювишнинг ҳукми**

Маййитни ювиш, айтиб ўтганимиздек, фарзи кифоядир. Агар маййит ювилмай дафн қилинган бўлса, қабрни очиб, ювиб қайтадан кўмилади. Аммо қабр очилганда маййитнинг ярмидан кўпи топилса, ювиб жаноза ўқилади. Агар ярмидан ози топилса, ювилмайди ҳам, жаноза ҳам ўқилмайди.

Агар маййитни ювиш учун сув бўлмаса ёки сув бўлса ҳам, уни ювиш мумкин бўлмаса, масалан, ювилганда баданларининг узилиб кетиш хавфи бўлса, у ҳолда уни таяммум қилдирилади.

Маййитни одамлар кўзидан холи жойга қўйиб, мабодо маййит бўлак-бўлак бўлса, ўша бўлакларини жой-жойига қўйиб, бошқаларга билдирмай ювилади.

### **Ювувчининг сифати**

Эр кишини эр киши, аёл кишини аёл киши ювишига уламолар иттифоқ қилишган. Эркакни аёл киши, аёлни эркак киши ювиши мумкин эмас. Бизнинг Ҳанафий мазҳабимизга кўра, киши ўзининг хотинини ювиши ҳам мумкин эмас. Чунки хотини вафот этиши билан ўртадаги никоҳ алоқаси узилади. Нега деганда, никоҳ умр давомида тузилган ақд алоқасидир. Вафот этгач эса, хотин эрига гўё номаҳрамдек бўлиб қолади.

Аммо хотин ўзининг эрини ювиши мумкин. Ҳатто ражъий талоқ (никоҳсиз ярашиш мумкин бўлган талоқ) иддасида ўтирган бўлса ҳам. Чунки у ҳолатда ҳали эр-хотинлик алоқаси узилмаган бўлади.

Ёш ўғил ва ёки қиз болани эркак ҳам, аёл ҳам ювишлари мумкинлигига уламолар иттифоқ қилишган.

Маййитни ювувчи одам (ғассол) ювиш ишларини яхши биладиган, таҳоратли (бетаҳорат ювса ҳам жоиз), ишончли, тақводор бўлмоғи матлубдир. Шу билан бирга албатта оқил бўлиб, фарзи кифоя мукаллафлардан соқит бўлиши учун ювишни ният қилиши лозимдир.

Ювувчи маййитни эҳтиётлаб, авратларини ошкор этмай, кийимини ечиб олади, устига бирор ёпинчиқ ташлайди. Маййитни ювгич тахтага олиб, қўлига латта ўраб ёки қўлқоп кийиб, аста-секинлик билан бутун баданини ювади.

Ювувчи ёлғиз ювишга қийналса, бошқани ёрдамга таклиф қилиши дурустдир. Маййитни ювганда авратига қараш мумкин эмас.

Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳазрати Али (р.а.)га:

## لا تبرز فخذك ولا تنذر إلى فخذ حى او ميت (رواه أبو داود)

Яъни: “Сонингни бировга кўрсатма, ҳамда тирик ёки ўлик инсоннинг сонига қарама”, деганлар.

Шунингдек, ювувчи маййитнинг баданидаги айб ва нуқсонларни бошқаларга айтмайдиган омонатли бўлиши керак.

Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.):

## أذكروا محاسن موتاكم و كفوا عن مساويهم (رواه الترمذى)

Яъни, “Вафот этган кишиларингизнинг яхшиликларини эслаб, уларнинг айб ва ёмонликларидан тилларингизни тийинглар”, деганлар.

Агар ювувчи маййитда яхшилик аломатини масалан, юзининг нурафшонлигини, табассумни ва шу кабиларни кўрса, уни изҳор этиб, бошқаларга ҳам айтиши яхшидир.

Ювишни вожиб қилувчи шартлар

Қуйидаги шартларнинг мавжудлиги маййитни ювишни вожиб қилади:

- 1) Маййитнинг мусулмон бўлмоғи;
- 2) Маййитнинг бир дақиқа бўлса-да яшагани маълум бўлмоғи.

Агар гўдак онадан тирик туғилса, унинг тириклигига аломат – овоз чиқиши, йиғлаши ёки қўл-оёғи қимирлаши бир марта бўлса ҳам билинишидир. Бундай ҳол унинг ювилиб, жаноза ўқилишига, бировдан мерос олишига ва биров ундан мерос олишига уни ҳақли қилади. Айрим ривоятларда, гўдак ўлик туғилса, аммо ҳамма аъзолари бутун бўлса, ҳаётдан ҳеч бир аломат бўлмаса ҳам, уни ювилади ва унга исм қўйилади, дейилган. Лекин ўзи ўлик бўлиб, яна чала туғилса, ювилмайди, унга фақат сув кўйиб, бир латтага ўраб, исм қўйиб дафн қилинади. Чунки Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Жаноби Пайғамбаримиз (а.с.):

## الطفل لا يصلى عليه ولا يرث ولا يورث حتى يستهل

Яъни: “Ёш бола туғилганда жони борлигига ҳеч қандай аломат бўлмаса, унга намоз ўқилмайди. У мерос ҳам олмайди ва бошқалар ҳам ундан мерос ололмайдилар”, деганлар.

- 3) Маййитнинг бутун жасади ёки ярми ё кўпроғи боши билан бирга бўлиши лозим.

Маййит шаҳид бўлса, яъни Аллоҳнинг динини ҳимоя қилиб, жанг майдонида ҳалок бўлган бўлса ёки йўлтўсар ва золим томонидан ноҳақ ўлдирилган ёки ўғри кечаси уйда ўлдириб кетган бўлса, ўлаётган маҳалда у болиғ, оқил бўлса, жунуб ё нифос ва ҳайздан холи бўлса, у ҳолда улар ювилмайди, уларга жаноза намози ўқилади, холос. Зеро, Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) Уҳуд жангида шаҳид бўлганлар ҳақида:

## لا تغسلوهم فإن كل جرح أو كل دم يفوح مسكا يوم القيامة ولم يصل عليهم (وراه أحمد)

Яъни: “Уларни ювманглар. Зеро, улардаги ҳар бир жароҳат ва ҳар бир қондан қиёмат кунда мушку анбар ҳиди уфуриб туради”, деганлар ва уларга жаноза ўқимаганлар.

Мазкур ҳадиси шарифда, Жаноб уларга жаноза ўқимадилар, дейилган. Лекин жаноза ўқилиши керак дейдиганлар фикрларига далилни Пайғамбаримизнинг Уҳуд шаҳидларига кейин келиб жаноза ўқиганлари тўғрисидаги ҳадисдан олишади. Ундан ташқари, маййитга жаноза



Ўқиш унинг ҳурмати учундир. Шаҳид эса, у ҳурматга бошқалардан кўра ҳақлироқдир, дейишади. Киши сувда чўкиб ўлган бўлса ҳам, уни ювиш ниятида ўша сувда уч бор пишиб олинади.

## Ювиш тартиби

Маййитни жунуб киши ювингандек бир марта ювиш вожибдир. Маййит ифлосланган бўлса, ювувчи уни тозалаб, кирларини совун билан кетказиб, авратларини латта билан ювиб, намозга қандай таҳорат олинса, шундай таҳорат қилдиради. Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари вафот этганида ювувчи аёлга:

فوضئها وضوء الصلاة ثم اغسلها

Яъни, “Уни намозга таҳорат қилгандек таҳорат қилдир, сўнгра ювгин”, деганлар.

Лекин оғзи ва бурни сув ила чайқалмайди. Агар маййит ёш бола бўлса, таҳорат қилдирилмайди.

Айтиб ўтганимиздек, маййитнинг кийиларини ечиб, аврат жойларини тўсиш учун устига бирор ёпинчиқ ёпиб, иссиқ сув ила яхшилаб аввал ўнг томонини, сўнг чап томонини ёнбошлатиб ювилади. Маййитнинг сочи таралмайди, тирноғи ва сочи олинмайди. Мабодо, билмай олиб қўйилса, уни кафан ичига қўши солиб юборилади. Маййитни уч бор ювиш суннатдир. Ювиладиган сувга хушбўй нарса аралаштирилса, яхши бўлади. Ювадиган жойда ювинди сув тўпланиб қолмайдиган, яъни оқиб кетадиган бўлиши лозим. Сув ҳамма баданларига текканига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, бироз суяб ўтирғизиб, қорнини мулойимлик ила силанади. Агар силаганда нажосат чиқса, ўша жойи латта билан тозаланади. Лекин қайтадан таҳорат қилдирилмайди, ювилмайди ҳам. Сўнг бутун бадани сочиқ билан артилади.

## 2. Маййитни кафанлаш

Маййитни кафанлаш мусулмонлар зиммасидаги фарзи кифоядир. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.) айтганларки:

كفنه في ثوبيه (رواه الجماعة)

Яъни: “Уни (маййитни) икки кийими ила кафанланглар”, деганлар.

Маййитни кафанлаш, қабр кавлаб, уни дафн этиш харажатлари маййитнинг маблағидан бўлади. Кафанлаш маййитнинг қарзи ва васиятини адо этишдан олдин бажарилади. Аммо аёл кишининг кафани эри зиммасидадир. Агар маййитнинг мазкур харажатларга моли бўлмаса, ҳаётлигида унинг нафақаси кимнинг зиммасида бўлса, ўшанга юклатилади. Агар ундай одам топилмаса, харажатлари “Байтул мол”дан – давлат хазинаси ҳисобидандир. Агар “Байтул мол”да ҳам маблағ бўлмаса, у ҳолда мусулмонлар зиммасига юклатилади.

Кафан уч хил бўлади: зарурий кафан, кифоя кафан ва суннатга мувофиқ кафан. Бу уч хиллик эр кишига ҳам, аёлга ҳам тааллуқлидир.

1. *Зарурий кафан* фарз соқит бўладиган даражада бўлиб, маййитнинг баданини ўраса бўлди. Зеро, улуғ саҳоба Мусъаб ибн Умайр (р.а.) бир дона кийимлари ила кафанланганлар.

2. *Кифоя кафани* инсоннинг ҳаёт вақтида энг кам миқдордаги кийимидир. Бундай кафан эр кишилар учун иккита бўлади: лифофа<sup>2</sup> ва изор<sup>3</sup>.

Аёллар учун эса учта бўлади: лифофа, изор ва химор<sup>4</sup>.

Бундан ками макруҳдир. Зеро, Абу Бакр (р.а.):

كفونى فى ثوبى هذين اللذين كنت اصى فيهما واغسلوهما فإتھما للمهل والتراب

Яъни, “*Мана шу намоз ўқиб юрган им иккала кийимни ювиб, шу билан мени кафанланглар. Чунки кафан йиринг ва тупроқ учундир*”, деган эканлар.

3. *Суннатга мувофиқ кафан* эр кишилар учун изор, қамис<sup>5</sup> ва лифофадан иборатдир. Аёллар учун эса, лифофа, изор, қамис, химор ва икки кўкрагини боғлайдиган матодир.

Эр кишиларнинг кафанига далил Абдуллоҳ ибн Аббоснинг қуйидаги ҳадисларидир:

ان رسول الله صلى الله عليه وسلم كفن فى ثلاثة اثواب

Яъни: “*Расулulloҳ (с.а.в.) учта кийим ила кафанланганлар*”, деб хабар берганлар.

Аёл кишиларнинг кафанига далил Лайло бинти Қонифдан ривоят этилган ҳадисдир:

تكفين ام كلثوم بنت الرسول صلى الله عليه وسلم عند وفاتها بخمسة اثواب

Яъни, “*Расулulloҳнинг қизлари Умму Гулсум бешта кийим ила кафанланганлар*”, дейилади бу ҳадисда.

## Майитни кафанга ўраш

1. *Эр киши учун.* Аввал лифофани ерга ёйиб, сўнг унинг устига изор ёйилади. Майитни дастлаб қамис ила ўраб, ёйилган лифофа ва изор устига қўйилади, изорни аввал чап томонидан, сўнг ўнг томонидан ўралади. Лифофани ҳам шундай ўралади.
2. *Аёл киши учун.* Бунда ҳам лифофа билан изор ёйилади. Сўнг жасадни изор устига қўйиб, қамис кийдирилади, сўнг сочини икки бўлак қилиб, кўкрагига қамис устидан қўйилади; сўнг химорни сочи тепасигача лифофа остига қилинади; сўнг изор ва лифофа ила ўралади; сўнг кафан очилиб кетмаслиги учун устидан ҳамда икки оёғи устидан латта ила боғлаб қўйилади.

Кафанлик оқ рангли матодан бўлиши, кафанга хушбўй нарса сепиш, тоқ миқдорда сепиш, жуда қимматбаҳо бўлмаслиги, яхши бўлиши мустаҳабдир.

Расулulloҳ (с.а.в.):

البسوا من ثيابكم البياض فإنها من خير ثيابكم وكفنوا فيها موتاكم (رواه الخمسة)

яъни, “*Кийимларингизни оқини кийинглар, чунки у яхши кийимингиздир ва майитларингизни шундай мато ила кафанланглар*”, деганлар.

<sup>2</sup> Лифофа – бошнинг тепасидан то оёқларни ҳам қўшиб ўрайдиган биринчи мато.

<sup>3</sup> Изор – бошнинг паст томонидан бўйинни қўшиб, оёқлар билан ўраладиган иккинчи мато.

<sup>4</sup> Химор – юз ила бошни ўрайдиган мато.

<sup>5</sup> Қамис – бўйиндан бошлаб, то оёқларини ҳам ўрайдиган мато.

Яна:

إذا اجرتم الميت فاجمروه ثلاثا

яъни, “Агар маййитларингизга хушбўй нарса сепсангиз, тоқ қилиб уч бор сепинглар”, деганлар.

Яна:

إذا ولی احدکم اخاه فلیحسن کفنه

Яъни, “Қайси бирингиз ўз биродарининг ишига бош бўлса, унинг кафанини яхшилаб қилсин”, деганлар.

Эр кишини ипак ва қимматбаҳо матолар ила кафанлаш макруҳдир. Аммо аёлларнинг кафани учун бундай матолар жоиздир.

### 3. Маййитга жаноза намозини ўқиш ҳукми

Маййитга жаноза намози ўқиш ҳам ювиш, кафанлаш ва дафн қилиш каби фарзи кифоядир. Яъни, бир гуруҳ мусулмонлар ўқисалар, бошқаларидан масъулият соқит бўлади. Жаноза намози уммати Муҳаммадияга хосдир, бошқаларга жаноза ўқилмайди.

Аммо ибрат маъносида қуйидаги кишиларга ҳам жаноза ўқилмайди:

- 1) **Боғийларга.** Исломий подшоҳга ноҳақ қарши чиққан бир тўп мусулмонлар “боғийлар” дейилади. Улар подшоҳ аскарлари ила бўлган тўқнашувда ўлган бўлсалар ювилмайди, жаноза ҳам ўқилмайди. Аммо подшоҳ қўлга олгандан сўнг ўлдирилса, унга жаноза ўқилади;
- 2) **Қароқчиларга.** Кишиларнинг молини олиш мақсадида йўлтўсарлик қилганлар қароқчи ҳисобланади. Булар ҳам боғийлар каби урушда ўлса ювилмайди, жаноза ҳам ўқилмайди. Аммо қўлга олингандан сўнг ўлдирилса жаноза ўқилади;
- 3) **Қўлда қурол ила ёки куч ишлатиб, кечаси ё кундузи аҳолини хавф-хатарга солувчи кишиларга.** Бундайларнинг хавфли ҳаракатлари ва ёмонликларини дафъ қилиш учун ўлдирилади. Уларнинг ҳукми ҳам боғий ва қароқчилар ҳукми кабидир;
- 4) **Отасини ё онасини ўлдирган фарзандга.** Уни ҳоким қасос тариқасида ўлдирган бўлса ювилмайди, жаноза ҳам ўқилмайди. Аммо ўз ажали билан ўлса жаноза ўқилади;
- 5) **Аҳлул асобийаҳга.** “Аҳлул асобийаҳ” деб зулм ва ноҳақликда яқинлари ва уруғларига ёрдам берувчилар айтилади. Буларнинг ҳукми ҳам боғийлар ҳукми кабидир;
- 6) **Ўзини ўзи ўлдирган кишиларга.** Абу Юсуф ва у кишига ҳамфикр уламоларнинг сўзларига кўра, ўзини ўлдирган одамга жаноза ўқилмайди. Зеро, Жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ўзини ўлдирган бир одам келтирилганда унга жаноза ўқимаганларини Имом Муслим ривоят қилганлар.

### Жаноза ўқишга ким ҳақлироқ?

Фикҳ китобларида жаноза ўқишга энг ҳақли киши подшоҳ, сўнг қози дейилган. Бироқ бизнинг ҳозирги давримизда аввал диний идора бошлиғи, сўнг унинг ноиби ёки диний идора юборган вакил десак, тўғри бўлса керак. Булар келмаган тақдирда маййит яшаган мавзе жомеъ

масжидининг имомидир. Имомдан сўнг маййитнинг энг яқинлари – отаси, ўғли, ака ва ука каби валийлари ҳақлидирлар.

Жаноза ўқишга ҳақли киши ўз ҳаққини бировга тақдим этиши ҳам мумкин. Аммо жаноза ўқишга ҳақли киши маййитнинг васиятидан ҳам ҳақлироқдир. Яъни, маййит жанозамни фалончи ўқисин, деб васият қилган бўлса ҳам, жаноза ўқишга ҳақли киши турганда унинг васияти бекор бўлади.

Агар жанозани валий, подшоҳ ё унинг ноибидан бошқа киши ўқиган бўлса, валий жанозани қайтадан ўқитишга ҳақлидир. Аммо жанозани валий ўқиган бўлса, уни қайта ўқиттиришга бошқаларнинг ҳақлари йўқдир.

Агар маййит жаноза ўқилмай дафн қилинган бўлса, қабрга бориб жаноза ўқилади. Лекин бунда маййитнинг аҳволи, кўмилган вақти ва ўрни ҳисобга олиниши керак, яъни маййит чириб бўлиниб кетмаган бўлиши шарт. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир аёлнинг қабрига келиб жаноза ўқиганлари ривоят қилинган.

Жаноза ўқиладиган маййит бир нечта бўлса, барчаларига бир марта бирданига жаноза ўқиш жоиз. Бу борада ҳамма мазҳаб уламолари яқдилдирлар. Бунда маййитлар кетма-кет қўйилади. Масалан, аввал эр киши, сўнг ёш ўғил бола, сўнг аёл киши қилиб кўкраклари бири-бирига рўбарў ҳолда ётқизилади. Имом биринчи қўйилган маййитнинг кўкраги тўғрисида туради.

Маййитни масжид ичига олиб кириб жаноза ўқиш макруҳдир. Аммо маййит хонақоҳдан ташқари чиқарилиб, жаноза ўқийдиганлар хонақоҳ ичида бўлсалар, макруҳ эмасдир. Ҳозирги даврда масжидларимизнинг ташқарисида маййит қўйиладиган алоҳида жой қилинаётгани айни масалага мувофиқдир.

Агар маййит тайёрланиб, жаноза ўқиладиган жойга келтирилса, лекин баъзи кишиларнинг таҳоратлари бўлмаса, таҳорат олиб келгунча жаноза ўқиб қўйиш хавфи бўлса, таҳорати йўқ одам дарҳол таяммум қилиб, жанозани жамоат ила ўқимоғи лозим. Гоҳо-гоҳо бизнинг жойларда, таҳоратинг бўлмаса ҳам сафга туравер, дейиладиган гаплар мутлақо нотўғри, илмсиз кишиларнинг асоссиз сўзларидир. Биринчидан, бетаҳорат намоз намоз эмас. Иккинчидан, масалаларда киши қасддан бетаҳорат намоз ўқиса, диндан чиқади дейилган (Наъзу биллаҳ).

Аммо маййит эгасининг таҳорати бўлмаса, у, тўхтаб туринглар, таҳорат олиб келай, деса ҳаққи бор. У таҳорат олиб келгунга қадар кутиб турилади.

## **Жаноза намозининг фарз, вожиб ва суннатлари**

Жаноза намозининг икки фарзи бор: тўрт такбир ва қиём (тик туриш). Вожиби эса битта бўлиб, тўртинчи такбирдан сўнг икки томонга салом беришдир. Ният қилиш, такбирлар орасидаги ҳамд-сано, Пайғамбар алайҳиссаломга саловот айтиш ва дуо қилиш суннат амалларидир. Такбирлар айтилганда бошни кўтариб қўйиш эса шариятда йўқдир.

Жаноза намозида камида уч қатор саф тортиш мустаҳабдир. Зеро, ҳадисда:

**من صلى عليه ثلاثة صفوف غفر له**

Яъни: “Кимгаки уч саф одам жаноза ўқиса у мағфират қилинади”, дейилган.

## **Жаноза намозини ўқиш тартиби**

Жаноза намози тўрт такбирдан иборат, аммо фақат биринчи такбирдагина қўл кўтарилади. Сўнг сано ўқилади.

سبحانك اللهم و بحمدك وتبارك اسمك و تعالى جدك ولا إله غيرك

“Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук”.

Иккинчи такбирдан сўнг намоз қаъдасида ташаҳхуддан кейин ўқиладиган қуйидаги саловот ўқилади:

اللهم صل على محمد وعلى آل محمد كما صليت على إبراهيم وعلى آل إبراهيم إنك حميد مجيد اللهم بارك على محمد وعلى آل محمد كما باركت على إبراهيم وعلى آل إبراهيم إنك حميد مجيد

“Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама соллайта ъала Иброҳийм ва ъала али Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма барик ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама барокта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳий, иннака ҳамийдум мажийд”.

Учинчи такбирдан сўнг ушбу истиғфор дуоси ўқилади:

اللهم اغفر لحينا وميتنا وشاهدنا وغائبنا وصغيرنا وكبيرنا و ذرنا و أنثانا اللهم من أحييته منا فأحيه على الإسلام ومن توفيته منا فتوفه على الإيمان

“Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва ғойбина ва соғийрина ва кабийрина ва закарина ва унсана. Аллоҳумма ман аҳйайтаху минна фаҳййихи ъалал Ислам ва ман таваффайтаху минна фатаваффаху ъалал ийман”.

Тўртинчи такбирдан сўнг икки томонга салом берилади. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу ъалайҳи ва салламнинг энг охирги жаноза намозлари тўрт такбирли бўлганлиги Ибн Аббос ҳадисларида ривоят қилинган.

Агар маййит мажнун ёки ёш бола бўлса, истиғфор дуоси ўқилмайди. Унинг ўрнига қуйидаги дуо ўқилади:

اللهم اجعله فرطاً واجعله لنا أجراً وذخراً واجعله لنا شافعاً و مشفعاً

“Аллоҳуммажълху фарото важълху лана ажрон ва захро важълху лана шафиъав ва мушаффаъа”.

Жаноза намозини узрсиз ўтириб ё бирор уловга минган ҳолда ўқиш жоиз эмас.

Агар бирор кофир киши вафот этса, лекин унинг мусулмон валийси (яқини) бўлса, уни ювиб дафн қилинади. Зеро, Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг оталари Абу Толиб ўлганда Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) Алини шундай қилишга буюрганлар.

## **Жанозага кечикиб келган кишининг ҳукми**

Агар кимдир кечикиб, имом бир ёки икки такбир айтгандан сўнг келиб қолса, имом яна такбир айтгунча кутиб туради. Имом навбатдаги такбирни айтгандан сўнг, унга тобеъ бўлади. Зеро, тўрт такбир гўё тўрт ракат намоз ўрнидадир. Яъни, пешин ёки аср намозига кечикиб келган киши имом билан ўқий олмаган ракатларини ўқиган кабидир. Демак, имом намозни

тугатгач, жанозада имом билан бирга айта олмаган такбирларини кетма-кет, дуоларини ўқимай, айтиб олади.

Аммо имом тўрттала такбирни ҳам айтгандан сўнг келган киши жаноза намозини топмаган ҳисобланади.

## Жаноза ўқиладиган маййит шартлари

Маййитга жаноза ўқиш учун қуйидаги шартлар талаб этилади:

1. Маййит мусулмон бўлмоғи керак.
2. Намозхонлар олдига, қибла томонга қўйилган бўлмоғи лозим.

Шу боис мазҳабимизда ғойибга жаноза ўқиш йўқ. Расулulloҳнинг (с.а.в.) Нажошийга ўқиган намозлари эса, фақат у зотга – Пайғамбарга хос деб қаралади.

3. Маййит ювилган бўлмоғи керак.

## 4. Дафн этиш

### Маййитни қабристонга элтиш

Маййитни дафн қилиш, айтиб ўтганимиздек, фарзи кифоядир. Маййитни вафот қилган шахридан бошқа шаҳарга олиб бориб дафн қилиш жоиздир. Лекин вафот этган ерида дафн қилиш мустаҳабдир. Ислом тарихидан маълумки, турли мамлакатларни фатҳ қилган саҳобаи киром розийаллоху анҳум шаҳид ёки вафот бўлган жойларида дафн қилинганлар.

Маййит ювилиб кафанлангандан сўнг тобутга солиниб, тўрт киши аввал ўнг елкага, сўнг чап елкага олиб тўрт томонидан кўтариш суннат бўлиб, ҳар бир киши камида ўн қадамдан то қирқ қадамгача юрса, Косонийнинг “ал-Бадоеъ” китобларида келтирилган қуйидаги ҳадисга биноан гуноҳлари кечиради:

من حمل جنازة اربعين خطوة كفرت عنه اربعين كبيرة

Яъни: “*Кимки жанозани қирқ қадам кўтарса, қирқта катта гуноҳига каффорат бўлади*”.

Жанозани кўтариб боришда маййитга озор бермайдиган даражада, одатдаги юришдан тезроқ, аммо лўкилламай юриш лозим.

Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.):

اسرعوا بالجنازة فان تكن سالحة فخير تقدمونها وان تكن سوى ذلك فشر تضعونه عن رقابكم (رواه البخارى)

Яъни, “*Жанозани тезроқ олиб юринглар. Агар у солиҳ бўлса, яхшиликка тезроқ элтасиз, аммо ундан бошқа бўлса, елкангиздан у ёмонни тезроқ қўясиз*”, деганлар.

Жанозага эргашган кишилар тобутнинг кетидан юришлари лозим. Юқорида айтиб ўтилган:

امرنا رسول الله صلى الله عليه وسلم باتباع الجنازة

Яъни, “*Расулulloҳ (с.а.в.) бизни жанозага эргашишга буюрганлар*”, ҳадисидаги “эргашишга” сўзи тобут кетидангина юришни тақозо этади. Тобутнинг олдига ўтиб олинса, эргашиш бўлмаслиги барчага маълум.

Машиналар кўпайган, кўча ҳаракатлари мураккаблашган ҳозирги давримизда, агар қабристон узоқроқ бўлса, йўл ҳаракатида қийинчилик, хавф-хатар туғдирмаслик мақсадида тобутни юк машинасига солиб, эргашувчилар бошқа машиналарга миниб боришлари жоиздир. Чунки Ислом тараққиёт ила ёнма-ён юрадиган, қотиб қолмаган, ҳар жой ва ҳар замонга муносиб сўнги илоҳий диндир. Мусулмонлар бунни яхши мулоҳаза қилишлари лозим.

Маййитни ҳурматлаб, жаноза кетидан қабристонгача борадиган кишилар йўл-йўлакай ўлимдан ўрнак олиб, маййит ҳаққига дуо қилиб боришлари лозим. Кулиш, қаттиқ овозда сўзлаш маййитга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Ўтган солиҳлар жаноза кетидан эргашганда сукут сақлаб юрганлар.

Маййитга яқин кишиларнинг маййитда бўлмаган сифатларини айтиб овоз чиқариб йиғлашлари шариатимизда гуноҳ саналади. Лекин овоз чиқармай йиғлаш жоиздир.

Маййит ёш гўдак бўлса, уни қўлда навбатма-навбат кўтариб бориш ҳам жоиз.

Аёл киши солинган тобут устини мато ила беркитиш мустаҳабдир.

Маййитни кўтарганда, унинг боши олд томонда бўлиши лозим.

Маййитни қабристонга элтганда то тобут ерга қўйилмагунча бирга борганлар ўтирмасликлари керак.

Агар биров катта сув кемасида вафот этса, қирғоқ узоқ бўлиб, уни сақлаш қийин бўлса, уни ювиб, кафанлаб, жаноза ўқилиб, денгизга ташланади.

Жумҳур уламолар, шу жумладан, тўрт мазҳаб имомлари маййит солинган тобутни кўрганда киши ўрнидан турмайди, дейишган. Зеро, ўридан туриш Ҳазрати Али (р.а.) айтган куйидаги ҳадис ила мансук бўлгандир (амалдан қолдирилган):

كان رسول الله صلى الله عليه وسلم امرنا بالقيام ثم جلس بعد ذلك وامرنا بالجلوس (رواه أحمد)

Яъни, *“Расулulloҳ (с.а.в.) бизни жанозани кўрганда ўридан туришга буюрардилар. Сўнгга ўзлари ҳам турмайдиган бўлдилар ва бизни ҳам турмасликка буюрдилар”*.

Жаноза кетидан аёлларнинг эргашиши макруҳи таҳрима, яъни ҳаромга яқин макруҳдир.

## Қабристон

Маййитни умумий мусулмонлар қабристонига дафн қилиш афзалдир. Чунки, у ерга кўп мусулмонлар келиб қабристондаги барча мусулмонлар ҳаққига дуо қилиб турдилар. Маййитни солиҳ кишилар яқинига кўмиш яхшироқ.

Бу ерда шуни мулоҳаза қилиш керакки, салоҳият имон ва имон тақозо этган амалларни қилиш ила бўлади. Имон бўлмаса салоҳият ҳам бўлмайди.

Киши ўз қариндош-уруғларини маълум жойга тўплаб, дафн этиши, яъни хилхона қилиши жоиздир. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.) ўзларининг ҳамшира инилари Усмон ибн Мазъун вафот этганида маййитнинг бош томонига бир тошни қўйиб:

نعلم على قبر أخى لا دفن إليه من مات أهلى (رواه أبو داود والبيهقى)

Яъни, *“Биродарим қабрини маълум қилиш, ёнига қариндошларимдан ким вафот этса, дафн қилиш учун шу тошни қўйдим”*, деган эканлар.

Демак, қариндошларнинг қабрини зиёрат қилгани келганда адашиб қолмаслик учун аломат тариқасида бир нарсани қўйиш шаръан жоиз экан. Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара ерларида тош кўп, барчага бепул муяссар эканини ҳам мулоҳаза қилинса, ёмон бўлмайди.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги даврда деярли барча қабристонларимизда, хусусан шаҳардаги қабристонларда бетартиб, бесўнақай, ҳар хил ҳажмда ва рангда қўйилган қимматбаҳо тошларни кўрамиз. Ҳатто оғиздагина мусулмон баъзи кишилар ўлганларининг ҳайкалини ҳам қабри тепасига ўрнатиб қўйяптилар. Бу ишларни ўзининг илоҳий динини, маслагини, аجدодларини яхши билмайдиганлар, ким нима қилса, суриштирмай унга эргашиб кетаверадиганлар қилади. Бу тошлардан қошки маййитга савоб бўлса. Аксари ҳолларда хўжақўрсинга, ким ўзарга қилинади. Унинг тошидан мен қўйган тош катта, қимматли! Отамга, онамга манфаатли бўлсин, савоби етсин, деганларида қайси ишлардан манфаат етишини яхшилаб суриштириб, савобли ишни қилган бўлардилар.

Бу тошлар ҳақида биздан илгари муҳтарам устозлар ҳамда ҳозиргилар ҳам жуда кўп гапиришган. Демак, биз билмай қилибмиз, дейишларига ўрин йўқ.

Баъзи бир Оврупа ё Болтиқбўйи мамлакатлари қабристонларида тош ва ҳайкаллар қўйилган бўлса, улар ўзларининг эътиқодларидан келиб чиқиб шундай қилишади. Қолаверса, қабр аломатлари барчаси бир ҳажмда, текис ва тартибли қилиб қўйилган. Бизнинг қабр бошларига дабдабали тош ва ҳайкаллар қўйишимиз эса, аввало, эътиқодимизга зиддир, қолаверса пала-партиш ва тартибсиздир.

Қабрга кимнинг қабри эканини билдирувчи аломатнигина қўйиш шаръан жоизлигини айтдик. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам қабристонларимизда бир ҳажмда тартиб ила чиройли белги қўяйлик. Чунки, биринчидан, динимиз кўрсатмаларига риоя этган бўламиз. Иккинчидан, инсонларнинг ҳаётда тенглик ҳуқуқларини ўлганларидан кейин ҳам бузмаган бўламиз. Соф инсоний нуқтаи назардан ҳам бу жуда хайрли ишдир. Нимага деганда, имони заиф баъзи кишилар ҳаётда озгина бойиб қолса, бошқаларни менсимай, тепадан қарайдиган бўлиб қолади. Шундайларнинг қабртошлари ё ҳайкаллари энди қабристонда ҳам ёнидаги камтаргина қабрларга кеккайиб, менсимай қараётгандай бўлади.

Аллоҳ барчамизни ўзи ҳидоят йўлига юришга муваффақ қилсин. Омин.

## **Қабр хиллари ва дафн**

Қабр икки хил – лаҳад ва ёрма қилиб кавланади. Лаҳад қилиб кавлаш, фуқаҳоларнинг яқдил фикрларига кўра, ёрма кавлашдан афзал.

Қабрнинг чуқурлиги киши қоматига баробар бўлиши яхшидир. Кавланган чуқурнинг қибла томонидан одам сиғадиган ва маййитни беркитадиган алоҳида жой – лаҳад тайёрланади. Ёрма қабр худди ариқ кавлагандек тик кавланади. Аммо ер тошлоқ бўлиб, лаҳад қилишнинг имконияти бўлмаса, ёрма қилингани яхшидир.

Маййитни қабрга юзини қиблага қаратиб, ўнг томони ила ёнбошлатиб, бошини қабр деворига тираб қўйилади. Тепасидан тупроқ тушмаслиги, бели ва ёнбоши қимирламаслиги учун ғишт тираб қўйиш лозим. Сўнг лаҳаднинг оғзи ҳам ғишт ёки махсус қилинган гувала ила тўсилади.

Қабр ичига пишган ғишт, ёғоч ишлатиш макруҳ.



Мазкур ишлар битганидан сўнг маййитни беркитиш ва муҳофаза қилиш мақсадида устига тупроқ тортилади. Аммо қабр ёрма бўлса, икки четини тош ёки ғишт ила тўсиб, ўртасига маййитни қўйиб, унга тегмайдиган қилиб тепаси ёпилади, сўнг устига тупроқ тортилади. Ёрма қабрнинг атрофини тўсиш қийин бўлса, тахтадан махсус тобут қилиб, маййитни тобутга солиб, тобут ила бирга кўмса ҳам жоиздир.

Маййитни қабрга унинг валийлари, хусусан маййит аёл киши бўлса, унга маҳрам бўлган киши қўймоғи афзалдир. Маййитни қўяётган киши:

بِسْمِ اللَّهِ وَ عَلَى مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ

Яъни, “Бисмиллаҳи ва ʼала миллати Росулиллаҳ”, деб қўяди. Маййитни қабрга қўйгандан сўнг кафаннинг боғланган жойлари ечилади. Дафндан фориг бўлгандан сўнг қабр тепасида бироз туриб, маййитнинг гуноҳидан ўтишини, савол-жавоб осон кечишини Аллоҳдан сўралади. Пайғамбаримиз алайҳис салом:

استغفروا له واسألوا الله له التثبيت فإنه الآن يسأل (رواه أبو دود)

Яъни, “Унга истиғфор айтинглар. Аллоҳдан унга адашмасликни сўранглар, зеро, у ҳозир сўралмоқда”, деганлар.

Қабрни билиниб турсин учун ердан бир қарич баландликда чўзиқроқ туя ўркачи шаклида кўтариш суннатдир. Баъзи жойларда, масалан, Қўқон, Хоразм каби ерлари намга яқин, озроқ кавланса, сув чиқиб кетадиган жойларда маййитни юзароқ кўмиб, уни ҳимоя қилиш учун шароитдан келиб чиқиб, тепасига ғиштан сағана қилишга рухсат этилган. Қабрдаги кишининг номини ёзиб, ким эканини билдириш ҳам жоиздир. Жуда кўп Ислом мамлакатларида машҳур мусулмон уламолари қабрлари шундай ёзувлар мавжуддир.

Лекин нақшинли қилиб безаш, қабр устига иморат қилиш, бўяш макруҳдир. Қабрга чироқ ёқиш, ўпиш, қабрдаги маййитдан шифо, ҳожат сўраш, бола кокилини аташ ширкка яқин гуноҳдир. Зеро, бундай ишлар Аллоҳдан бошқадан ҳожат сўраш демакдир. Имонли киши асло бундай ишларни ўзи ҳам қилмайди, бировнинг ҳам қилишига рози бўлмайди.

Қабрларни ҳурматлаш, уни босмаслик, тепасига ўтирмаслик суннатда қарор топган ишлардандир.

Агар бирор офат етиб, дейлик, ер қимирлашдан ё уруш оқибатида оммавий қирғин рўй берган бўлса ва ҳар бир маййитга алоҳида-алоҳида қабр қазिश машаққат бўлса, бир қабрга уч-тўрт маййитни бирга дафн қилиш зарурат юзасидан жоиздир. Чунки Жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссалом Уҳуд жангида шаҳид бўлганларнинг барчаларини бир катта қабрга дафн қилдирганлар.

### Қабрни зиёрат қилиш

Аҳли суннат мазҳабиغا кўра, жасад йўқ бўлиб кетса ҳам, инсон руҳи – жони йўқ бўлмайди. Роҳат ёки азоб руҳга ҳам, жасадга ҳам ҳосил бўлади.

Жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

القبر روضة من رياض الجنة او حفرة من حفر النيران

Яъни, “Қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки дўзах ўчоқларидан бир ўчоқдир”, деганлар.

Маййит зиёратчиларнинг дуоларидан фойда олади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам Мадинадаги “Жаннатул Бақиъ” қабристонига чиқиб, унда ётганлар ҳақларига тик туриб дуо қилганлари ҳадис китобларида ривоят этилган. Шунингдек, мусулмонларни ҳам қабристонни зиёрат қилишга тарғиб этганлар.

Пайшанба ва жума кунлари зиёрат қилиш афзалроқ саналади. Зиёратчи қабр тепасида тик туриб дуо этиши суннатга мувофиқдир. Расулulloҳ (с.а.в.):

اقْرئوا على موتاكم يس

Яъни, “*Маййитларингга Ёсин сурасини ўқинглар*”, деганлар.

Зиёратчи Қуръони Каримдан билган сура ва оятларини ўқиб, қабрлардаги барча мусулмонларга, хусусан, яқинларига савоби тегишини Аллоҳдан сўраши жоиз бўлиб, ундан маййитларга савоб тегади, иншааллоҳ.

Аёллар ҳам кийимлари Ислом қонунларига жавоб берадиган, хушбўй нарсалар, бўёқлар истеъмол қилмаган ҳолда, қабристонда овоз чиқариб йиғламаслик, қабрга шамъ ёқмаслик, латта боғламаслик шарти ила қабристонга зиёратга келишларига рухсат этилган.

### **Таъзия билдириш кайфияти ва ҳукми**

Таъзия – мусибат аҳлига тасалли бериш, мусибатга сабр қилишда ажр борлигини эслатиш, Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлишга тарғиб қилишдир. Унинг ҳукми эса, эр ва аёл кишига куйидаги ҳадиси шарифга асосан мустаҳабдир:

من عزى مصابا فله مثل اجره (واه الترمذى)

Яъни, “*Кимки мусибат етган биродарига таъзия билдирса, мусибат етган кишига бериладиган савоб миқдорича унга ҳам савоб бериледи*”.

Таъзия муддати уч кундир. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.):

لا يحل مرأة تؤمن بالله واليوم الآخران تحد على ميت فوق ثلاثة أيام الا على زوجها اربعة اشهر و عشرا (متفق عليه)

Яъни, “*Аллоҳга ва қиёмат кунига иймони бор аёлнинг маййитга уч кундан ортиқ мотам тутиши ҳалол эмас. Аммо маййит аёлнинг эри бўлсагина, унга тўрт ойу ўн кун мотам тутиши лозимдир*”, деганлар.

Уч кун ичида бир бор таъзия билдиргандан сўнг такрор таъзия билдириш, таъзияда овоз чиқариб йиғлаш, маййитни йўқ сифатлар ила мақташ, таъзия кунлари мусибатдор хонадон эшиги олдида ўриндиқларда ўтириб одам кутиш макруҳ амаллардандир. Аммо ҳовли ичида ўтирилса зарари йўқ дейилган. Таъзия кунлари таъзияга келувчиларга дастурхон ёзилмайди.

### **Маросимлар**

Шариатимизда маййит чиққан хонадонга қариндошлар, қўшнилар таом қилиб киритишлари суннатдир. Зеро, Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) Жаъфар ибн Абу Толиб (р.а.) вафот этганларида:

اصنعوا لآل جعفر طعاما فانه قد جائهم امر يشغلهم عنه (رواه ابو داود والترمذى)

Яъни, *“Жаъфарнинг оиласига таом қилиб киритинглар. Чунки уларнинг бошларига таом қилишдан машғул қилувчи (мусибат) тушди”*, деганлар.

Демак, мусибатхонага қариндошлар ва қўшнилар таом қилиб киритишлари айнан мазкури ҳадиси шарифга тўғри келади. Инсон ақли ҳам бундай ишни тўғри деб ҳисоблайди. Зеро, бир хонадонга мусибат етса, хонадон ўз боқувчиси ё ёрдамчисидан айрилса, уни яна устига устак чиқимдор қилинса, мусибат устига мусибат бўлмайдими? Хусусан, хонадонда вояга етмаган фарзандлар – етимлар бўлганда бундай хонадондан қилинган ҳаражатни бошқалар ейишини баъзи уламолар ҳаром дейишган.

Аммо таъзияга бошқа шаҳар ёки қишлоқдан келган кишилар бўлса, хонадонга киритилган таом етарли бўлмаса, у ҳолда ўша мусофирлар учун таом қилиш жоиз. Лекин мусофирларни хонадоннинг яқинлари, дўстлари шароитлари тақозо этса, ўз уйларига олиб бориб тўқлашлари кўп яхши ишдир.

Ҳозир халқимизда одат тусига кириб қолган “етти”, “йигирма”, “қирқ” ва “йил” маросимлари ҳеч бир эътиборли китобларда айтилмаган ноўрин ҳаражатлардир. Чунки бундай маросимларни кўпларимиз, қилмасам маҳалла нима дейди, отаси ё онаси ўлса ҳам эҳсон қилмади, каби мулоҳазалар ила ўзимизда етарли маблағ бўлмаса ҳам, бошқалардан қарз олиб қиламиз. Бу эса, юқорида айтганимиздек мусибат устига мусибатнинг ўзгинасидир.

Маййитдан мол-дунё қолган бўлса, у меросхўрларнинг ҳаққи. Қайси меросхўр қанча олишини Аллоҳ Таоло ўз китоби Қуръони Каримда белгилаб қўйган. Мерос мол-дунё қуйидаги тартибда харжланади: Аввало, молдан маййитни кафанлаш, ювиш, қабрга кўмиш ҳаражатлари чегирилади, шунингдек, маййитнинг бировдан қарзи ё омонати бўлса, улар тўланади, сўнг қолгани меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Кўриниб турибдики, муборак ва муқаддас шариатимиз бизларга ҳар бир ишни осон, қийналмайдиган, оғир ботмайдиган, инсоний аҳволимизга муносиб қилиб берган. Аммо биз ўзимизга кўпгина машаққатлар юклаб олганмиз, Аллоҳ розилигини эмас, балки одамларнинг розилигини истаб, улар нима дер экан, деган ноўрин мулоҳазалар ила қийинликлар туғдирганмиз. Бундай ишлардан на маййитга ва на бизга савоб бор.

Ҳолбуки, маййитга савоби тегадиган ишларни ҳам шариатимиз аниқ кўрсатиб берган.

Уламоларимиз маййит тирикларнинг унга қилган дуосидан, унинг учун айтилган истиффордан фойдаланади, деб иттифоқ қилишган. Шунингдек, вафот этган яқинларига атаб ҳаж ва умра қилишдан ҳам уларга савоби тегиши ҳадисларда таъкидлангандир. Аллоҳ Таоло вафот этганларга қандай дуо қилишни ўзи таълим бериб, “Ҳашр” сурасининг 10-оятда бундай деган:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ ...

Яъни, *“Вафот этганларидан кейин (дунёга) келганлар: “Эй Раббимиз, бизни ва биздан аввал ўтган имонли биродарларимизни мағфират қилгин”*, дейдилар.

Жаноби Ҳақ Таоло “Муҳаммад” сурасининг 19-оятда Расулulloҳга (с.а.в.):

وَاسْتَغْفِرْ لِدُنْيِكَ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ...

Яъни, *“(Эй Муҳаммад,) ўзингга, мўминларга ва мўмина аёлларга истиғфор айт (гуноҳларининг кечирилишини Аллоҳдан сўра)”*, дейди.

Мазкур оятлар тириклар ўзларига ва вафот этганларга истиғфор айтиши фойдали эканини билдиради.

Аҳли суннат уламолари, ҳар бир инсон ўзи қилган ишнинг савобини бошқаларга бағишлаши жоиздир, деганлар. У қилинган иш намоз бўладими, рўза бўладими, эҳсон бўладими ва бошқа бирор савобли иш бўладими, бағишлаган кишининг савоби камаймай тегади, дейилган.

Шунингдек, Имо Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Аҳмад мазҳаблари ҳамда Имом Шофеъий мазҳабидаги кейинги уламолар сўзлари бўйича, Қуръон тиловатининг савоби маййитга етади.

## САЛОҲИДДИН МУҲИДДИН

Муаллиф 1936-йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманининг Ислон қишлоғида таваллуд топган. 1962 йили Бухородаги “Мир Араб” мадрасасини битирган. 1968-70 йиллари “Совет шарқи мусулмонлари” журналида бош муҳаррир ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1970-74 йиллари Тошкетдаги Имом Бухорий номли олий маъҳадни, 1974-78 йиллари Ливия университетининг шариат ва қонун факультетини битириб, 2-олий маълумотли диплом олган. 1978-90 йиллари Имом Бухорий номли олий маҳадда мударрис бўлиб хизмат қилган. 1990-94 йилларда Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасида масжидлар бўлимини бошқарган. Муаллифнинг диний соҳага оид кўплаб мақолалари республика газета ва журналларида бир неча бор босилиб чиққан.